# Мусиқа мактаб ўқувчилари “Эрталабдан салом” кўрсатуви орқали ўз истеъдодларини намойиш этди

Ўзбекистон тумани 23-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабининг “Настарин” номли хор жамоаси ёш ижодкорлари “Зўр ТВ” телеканалининг “Эрталабдан салом” дастурида ўз истеъдодларини намойиш этишди. Жажжи истеъдод эгалари ўз устозларидан ўрганган санъат намуналари, куй-қўшиқ ва рақсларни ижро этиб, телетомошабинларга кўтаринки кайфият улашганлар.

Қайд этилишича, Яйпандаги мусиқа ва санъат мактабида 2020 йилда ташкил топган мазкур хор жамоаси таркибида айни кунларда 80 нафардан зиёд болалар мусиқа ва санъат сирларидан сабоқ олиб келишмоқда.






2023-06-05 22:11:50